

Фикҳ дарслари (59-дарс). Америкадаги шаръий фақиҳлар академияси



15:50 / 14.11.2019 4906

Академиянинг мақсадлари:

Ислом ҳақида таҳлил ва тадқиқотлар ўтказиш, фатво чиқариш, шаръий баҳсларга жавоб бериш ҳамда имомлар курсларини ташкил қилиш.

Академия аъзолари:

Аъзолар бетарафлик, шаръий мутахассислик ҳамда илм, шариат ва воқеликни билиш сифатларини ўзларида мужассам қилиш билан ажралиб туради. Академия олий раёсат ҳайъати, фатво учун доимий аъзо ҳамда бутун дунё атрофидан маслаҳатчиларни ўз ичига олади.

Академиянинг таъсис этилиш фикри:

11 сентябрдаги воқеалардан кейин умматнинг забардаст уламолари бегона юртдаги мусулмонларга боғлиқ бўлган муаммоларни ҳис этиб, унинг масъулиятини кўтарган ҳолда бу фикрга келдилар. Бундан ташқари, Фарб ўлкаларида яшовчи оз сонли мусулмонларнинг, хусусан, Америка қўшма штатларидаги мусулмонларнинг муаммоларига аҳамият берган ҳолда шаръий мутахассисларни етказиб бериш мақсадида ушбу академия барпо этилди.

Академия бир қанча расмийлик ишларини амалга оширганидан кейин ўз йўналишини нурли йўл сари одимлатди. Ҳатто ушбу уюшма Американинг расмий ҳукумати, яъни федерал томонидан ҳам олқишланиб, эътироф этилди.

Америкадаги Шаръий Фақиҳлар Академияси илмий муассаса бўлиб, моддий фойда кўришни олдиға мақсад этмаган. У Ислом уммати фақиҳлари ва уламоларидан таркиб топган бўлиб, Америкада яшовчиларға фалокат ва муаммолар ориз бўлганида шариат ҳукмларини баён этишға ҳаракат қилади.

Академиянинг мақсадлари:

- Фалокат ва муаммолар ориз бўлганда шариат ҳукмиға биноан фатволар чиқариш.
- Америка жамиятидаги мусулмонларнинг ҳолатлари ва улар тўқнаш бўладиган иқтисодий, ижтимоий, маданий ва таълим ишларидаги муаммоларни бартараф этиб, муносиб фикҳий ечимлар топиш ва уларни амалға оширишда шаръий тадқиқот ва баҳслар режасини тузиш.
- Ахборот воситаларида Ислом ва исломий мерос ҳақида тарқатилаётган хабарларни таҳлил қилиб, саҳиҳларидан фойдаланишға йўналтириш, хатоларини тўғрилаш ёки раддия бериш.
- Молиявий муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилиб, баҳс ва тадқиқотларни тайёрлаш, молиявий таъминот ташаббуслари билан чиқиш, уларға керакли фатволар ва маслаҳатларни тақдим қилиш.
- Исломий марказ мудирлари ва имомларнинг оилавий, молиявий муаммоларни ҳал этишға лаёқатли бўлишлари учун курслар ташкил қилиш.
- Бошқа фикҳий академия ва ҳайъатлар билан ўзаро алоқаларни тиклаш.

- Фуқаролик муаммолари ва Ғарб ўлкаларида мусулмонлар зиммасига юклатилган ҳамда фойдаланилаётган ҳуқуқларни муолажа қилиш.

- Ғарб ўлкаларидаги оз сонли мусулмонлар барпо қилган шаръий ҳукмлар билан шуғулланувчи ҳайъатлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар кўтариб чиққан қарор ва тавсияларни кўриб чиқиш, оила ва молиявий муомалотга тегишли масалалардаги фикҳий ҳукмларни қонунга киритиб, Ғарбдаги ҳукм чиқарувчи томонларга манба қилиб бериш.

- Қонун ва низом ижозат берган миқдорда закот ва ижтимоий кафолат жамғармаларини барпо қилиш. Албатта, бунда расмий томонлардан мувофиқликни қўлга киритиш.

Мутахассислик ва бетарафлик.

Ушбу академия бошқа исломий муассасалардан қуйидаги кўринишларда ажраб турса, ажаб эмас.

- Академиянинг ҳар бир аъзоси исломий шариат соҳасида докторликни қўлга киритганлиги учун бу ерда мутахассислар йиғилган;

- Бу академия умматнинг мулки бўлгани учун бетарафдир. Умумий илмий, қўшма бирлашма бўлиб, машриқдагию мағрибдаги Аллоҳнинг динига амал қилувчилар шу ерда учрашадилар. Албатта, булар партия блоки ёки замонавий тузилган гуруҳлардан йироқ ҳолатдадир.

- Шариат илми билан воқелиқдан хабардорлик орасини жамлайди. Ушбу академияда фақиҳларга қўшимча равишда билимдон кишилар ҳам бўлиб, уларнинг сони фақиҳлар сонидан оз эмас.

- Ана ўшалар фатвонинг татбиқ этилишида воқелиқни ўрганиб, фақиҳларни мустаҳкамлаб туришади. Чунки аҳли илмлар айтишганидек, фатво «воқелиқдаги мажбуриятни ўрганиш»дир. Бутун дунёдаги фикҳий академиялар тиббий муаммоларни, масалан, инсон аъзоларини экиш, сунъий урчитиш, клонлаштириш кабиларни ўрганади. Бирор киши «Фақиҳ бу муаммоларни бартараф этишда табиб бўлиши керак», деб айта олмайди. Фақатгина ушбу академиядаги тиббиёт мутахассислари баён қилган нарсалар билан танишиш фақиҳ учун кифоя қилади. Агар ўша табиб фикҳий қарорни чиқаришдаги овоз бериш босқичида иштирок этмаса ҳам. Ўша мутахассисларнинг ичида иқтисод, қонун, сиёсат, информатика билан шуғулланувчилари ҳам бор. Ва яна уларнинг ичида илмий майдонда мутахассисликни қўлга киритганлари бор. Масалан,

исломий марказ мудирлари ёки исломий молиявий муассасаларда ишловчилар ёки оммавий ахборот билан шуғулланувчилар бор.

- Академиядаги доимий фатво аъзолари етти кишидан иборат бўлиб, улар шариат бўйича докторлик дипломларини қўлга киритишган. Улар Американинг ичида муқим яшашади. Академияга келаётган кунлик муаммоларни ҳал қилиш ва қарор чиқариш каби ишлар мана шу аъзоларга юклатилган.

- Фатво учун уммат ичидан саккизта забардаст фатво аҳли маслаҳатчилар бўлиб, доимий аъзолар ҳолат тақозо қилиб қолганда уларга мурожаат қилишади. Албатта, бунда дунёдаги энг юқори даражадаги алоқа воситаларидан фойдаланилади. Масалан, электрон почта ва академиянинг интернетдаги махсус ўрни, яъни сайти бўлиб, Токиодан туриб, Вашингтон билан бемалол алоқа тиклаш мумкин.

- Ушбу академия бошқа академиялар билан кучли алоқалар тиклаган. Аслида академия ташкил қилишдан мақсад тартибга келтириш ва такомиллик сари боришдир. Асло мусобақа, тортишув ва зиддият эмасдир. Шунга биноан, бошқа академиядагилар бунда кўрсатилган низомдаги аъзолик шартларига мувофиқ бўлишса, эшиклар очиқдир. Академия бор куч-қувватини тарқоқликни жамлаш ва дунёдаги барча уммат фақиҳларининг орасида алоқа кўпригини қуришга сарф этади.

«Фикҳий йўналишлар ва китоблар» китобидан